

**Б.А. Алиев, ф.ф.д., проф.,
А.Н. Меликулов, тадқиқотчи, ТДИУ**

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ БАРКАМОЛЛИГИДА ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ

В данной статье приведены работы, проводимые в сфере образования и науки в развитии экономики страны для молодежи.

This article presents the work carried out in the field of education and science in economic development for young people.

Калитли сўзлар: баркамол, комиллик, илм-фан, беқиёс, билим, “ўзбек модели”, маънавият.

Илм-фан – ҳар қандай давлатнинг бугунги куни ва келажагини белгилайдиган муҳим соҳадир. Ўзбекистон замини азалдан башарият цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиёти йўналишини маълум даражада белгилаб берган улуғ алломалари, буюк мутафаккирлари билан шуҳрат қозонган.

Бу ўринда, ҳазрати Навоий, юрт тинчлиги, Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги учун ёшларни билим олишга, меҳнат қилишни ўрганишга даъват этиб, бу комилликка элитувчи куч эканлигини уқтиради. Ҳаттоки улуғ мураббий барча асарларида ёшларни баркамолликка эришиш ва бунинг учун ёшлиқдан илм олишга чорлайди:

Йигитликда йиғ

илминг маҳзани,

Қарилг чоғи

сарф қилгил ани.

Ёшлиқда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши бу – ҳаётий ҳақиқат эканлиги барчага маълум. Бу ҳақиқатни бугун ҳаммамиз кўриб, билиб, англаб турганимиздек, тараққиётнинг “ўзбек модели” туфайли барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам юксак муваффақиятларга эришилмоқда, асрларга татигулик ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мамлакатимизда халқимизнинг бой маданий, тарихий ва маънавий кадриятлари, халқаро илғор тажрибалар инobatга олингани ҳолда, замоннинг қатъий талаблари, жамият ҳамда шахснинг келажақдаги эҳтиёжига жавоб берадиган узлуксиз таълим тизими ташкил этилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳужжатлар, халқаро экспертларнинг фикрича, муҳимлиги, ягоналиги ва кенг қамровлиги жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Айни пайтда юртимизда ҳар қадамда мазкур соҳадаги ислохатлар натижасини кўриш мумкин.

Шаҳару қишлоқларда замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, мебеллар билан таъминланган таълим муассасалари қурилмоқда.

“Таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди”¹.

“Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланган 2015 йилда, “таълим-тарбия муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш каби мақсадлар учун давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади. Ижтимоий соҳага жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз маблағ сарфланади”².

Бугунги кунда республикамизда илмий тадқиқот олиб боровчи 400 дан зиёд ташкилот ва муассасалар рўйхатга олинган. Кейинги 10 йилда илмий-техника дастурларини амалга оширишда 224 та илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, тажриба-конструкторлик ва кичик инновацион марказлар қатнашиб келмоқдалар. Ўзбекистоннинг илмий потенциали 36 минг кишидан иборат бўлиб, унда 2549 фан доктори, 9254 фан номзоди ва 15,7 минг тадқиқотчилар мавжуд. Илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 45 та илмий тадқиқот институтларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)нинг 36 та олий таълим муассасасида (ОТМ), Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 34 та илмий ташкилотларида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 30 та илмий ва ўқув институтларида, 79 та илмий ва инновацион марказларида ва бошқа улар таркибига кирмайдиган лойиҳа ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари ва муассасаларида олиб борилмоқда. Илмий кадрларни тайёрлашда дастурий ёндашув амалга оширилиб, таълим босқичларида ислоҳотлар чуқурлаштирилмоқда.

Ўзбекистонимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши бутун халқимиз, жумладан, мамлакатимиз илмий ва ижодий жамоатчилиги учун ҳам улкан

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи №11 (6194), 2015 йил 17 январь.

² Ўша манба.

тарихий воқеа бўлди. Фанлар академияси ривожда мутлақо янги даврни бошлаб берди ва холис илмий тадқиқотлар ўтказиш учун қўшимча имкониятлар эшигини очди. Хусусан, Фанлар академиясининг илмий муассасалари янги ғояларни шакллантириш билан бир қаторда мамлакатимиз учун устувор бўлган илмий-техник масалалар бўйича ҳам иш олиб борди ва бутун эътиборини шу мақсадга йўналтирди. Йил сайин илмий-техник ва инновацион ишланмалар кўпайиб, нафақат Ўзбекистон, балки АҚШ, Германия, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам уларга талаб ортиб бормоқда.

Халқаро алоқалар соҳасида ҳам янги истиқболли имкониятлар пайдо бўлди. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари Фанлар академияси билан ҳамкорликка оид тўғридан-тўғри битимлар ва айрим илмий муассасалар ўртасида шартномалар имзоландики, бу олимларимизнинг турли халқаро илмий фондлар ва халқаро ташкилотлар дастурлари бўйича танловларда иштирок этиши ва хорижий тадқиқотчилар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириши, халқаро илмий ассоциацияларга аъзо бўлишига ижобий таъсир кўрсатди. Чет элда таълим олиш, айниқса, ёш олимларимизнинг хорижда илмий стажировка ўташ имкониятини кескин оширди.

Танлаган йўлимизнинг баркамоллигида иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш, илғор илмий ишланмалар ва илмий-техникавий тараққиётнинг ютуқларини самарали жорий этиш ўта муҳимдир. Ишлаб чиқаришга инновацион ишланма ва технологияларни кенг жорий этиш Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожланган давлатга айлантириш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида, илмий-техникавий соҳада янги тарихий воқеликларга жавоб берадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш заруратини тақозо этарди. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик илмий ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни биз Президентимиз Ислон Каримовнинг илм-фан тараққиётига оид қатор фармон ва қарорлари, ҳукуватимиз қарорлари мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Жумладан, 1992 йил 8 июлда давлатимиз раҳбарининг “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ва 1992 йил 21 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши туфайли илм-фан ва инновация фаолияти соҳасидаги асосий йўналишлар ривожланиш йўлига тушиб олди. Илмий-техник салоҳият мустаҳкамлангани, илмий тадқиқотлар ижтимоий-

иқтисодий тараққиётнинг йирик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилгани, мамлакатимизда инновация фаолиятини фаоллаштириш, белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун катта миқдорда валюта маблағлари ажратилаётгани шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизнинг илм-фан ва инновациялар соҳасидаги сиёсатини белгилаб берадиган асосий ҳужжатлардан бири бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон илм-фанини бошқариш ва молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, унинг саъй-ҳаракатларини мамлакатимиз учун устувор бўлган соҳаларга йўналтириш, илмий тадқиқотларни давлат илмий-техник дастурлари ва инновацион лойиҳалар бўйича танлов йўли билан грант орқали молиялаштиришга ўтказиш соҳасидаги ислохотлар давом эттирилмоқда. Инновацион ишланмаларни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш ҳажми бир неча баробар оширилди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан мақсадли валюта маблағларининг ажратилиши ҳисобидан эскирган асбоб-ускуналар замонавий лаборатория жиҳозлари билан алмаштирилди.

Мамлакатимиз илм-фани олдига қўйилган бундай муҳим вазифаларнинг амалга оширилиши илмий тадқиқотлар етакчи маркази ва инновацион ғоялар ижодкори сифатида Фанлар академияси фаолиятини тубдан ислоҳ этишни кўзда тутарди. Бу борада академик илм-фанни янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш, иқтисодиётимиз эҳтиёжларига мос ва жаҳон бозорида муносиб рақобатлаша оладиган илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун бошланғич шарт-шароитлар яратиш, инновацион фикрлаш қобилиятига эга янги авлод илмий кадрларни тайёрлашни тақозо этарди.

Амалга оширилган бундай кенг қўламли чора-тадбирлар самарасида академик илм-фан нафақат ўз салоҳиятини сақлаб қолди, балки ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Фанлар академияси фундаментал илмий тадқиқотлар соҳасида жаҳон миқёсида аҳамиятга молик қатор йирик илмий муваффақиятларни қўлга киритди. Фанлар академиясининг илмий муассасалари эришган натижалар амалий илмий-техник ва инновацион ишланмаларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ишланмалар бугунги кунда жадал ривожлантирилиб, асосан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқлари эҳтиёжини қондиришга йўналтирилмоқда.

Айни пайтда Фанлар академияси мамлакатимиз илм-фаннинг негизини ташкил этади. У ўз таркибида 32 илмий-тадқиқот муассасаси, жумладан, 23 йирик институт, илмий марказ, тўртта музей, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, Хоразм Маъмун академиясини бирлаштиради. Мустақиллик йилларида Фанлар академиясининг кадрлар таркиби тубдан янгиланиб, мамлакатимиз замонавий илм-фанни ифода этадиган иқтидорли ёш тадқиқотчилар билан кенгайди. Бугунги кунда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари сони 80 нафар. Беш мингдан зиёд илмий ходим тадқиқотлар билан шуғулланмоқда. Уларнинг 370 нафари фан доктори ва 900 нафари фан номзодидир. Яна 200 нафар даъвогар фан доктори илмий даражасини олиш арафасида. Шунингдек, олимларимиз мамлакатимиз учун энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда, эришилган натижаларни, жумладан, самарали илмталаб технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда иштирок этмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган илм-фан ҳақидаги мулоҳазаларимиздан хулоса қилиб айтганда, танлаган йўлимизнинг баркамоллигида илм-фаннинг ўрни беқиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи №11 (6194), 17 январь 2015 йил.

2. Солиҳов Ш. “Илм-фан – мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидан бири. – Т.: 2014 й.

3. Қирғизбоев А. Таълим ва тарбия – мамлакат тараққиётининг мустаҳкам пойдевори. – Т.: 2014 й.

4. Ўринов Д. Инновацион тараққиёт ва инновацион фаолиятни бошқариш. //Биржа эксперт, №6(78), 2014 й.

5. www.nauka.uz

6. www.uza.uz

7. www.uzbekistonovozi.uz/articles

8. www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert